

**2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини
“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид
давлат дастурида Халқ таълими вазирлигига юклатилган топшириклар**
ДАСТУРИ

2021 йил 25 сентябрь ҳолатига

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари	Масъул ижрочилар	Ижро холати
Йўл харитасида Халқ таълими вазирлигига бевосита юклатилган топшириклар							
1 (199)	Умумтаълим мактаблари касб ўрганиш истагидаги битирувчиларини давлат томонидан камида бир касбни эгаллашига кўмаклашувчи тизимни жорий этиш бўйича таклифларни киритиш.	1. Умумтаълим мактабарининг юқори синф ўқувчилари таркибидан касбхунар ўрганиш истагида бўлгандарини аниқлаш ва касбхунарга ўқитиш имкониятларини таҳлил қилиш ҳамда бу борада илфор хорижий тажрибани ўрганиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил март		Халқ таълими вазирилиги (Б.Саидов) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги (Н.Хусанов), Молия вазири (Т.Ишметов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири (А.Тошқулов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлар	Бажарилди. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш ва ўқитишни ташкил этиш бўйича дунёда етакчи бўлган давлатлар (Германия, Польша, Буюк Британия, Финляндия, Канада, Япония) тажрибасини ўрганиш бўйича идоралараро Ишчи гурӯҳи шакллантирилиб , хорижий тажрибалар таҳлил этилди. Таҳлиллар асосида 12 та банддан иборат чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сон Фармони ва ПК-241-сон қарорига киритилди. Унга асосан: 2022/2023 ўкув йилидан бошлаб, бошлангич синф ўқувчиларига ўкув режага киритилган фанлар доирасида меҳнат бозорида мавжуд бўлган турли касблар тўғрисида тушунчалар берив бориш; касб эгаларининг меҳнат фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида 5 - 7-синф ўқувчилари учун турли учрашув ва сайёр дарсларни ташкил этиш; 7 - 9-синф ўқувчиларининг касбга майиллигини аниқлаш бўйича ташхислар ўtkазиб борсин ҳамда натижаларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш корхоналари, хунармандчилик марказлари ва бошқа ташкилотларга экскурсиялар ташкил қилинади;

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
							<p>худудларнинг ижтимоий-иктисодий салоҳияти ва ўсиш нукталарига мувофиқ мактаб ўқувчилари учун устувор касбларни белгилаш ҳамда 10 ва 11-синф ўқувчиларини ушбу касбларга, шу жумладан касб-хунарга ўқитиш марказлари, маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканлари, қисқа муддатли курслар очилган таълим муассасаларида ўқитиш чоралари кўриш белгиланди.</p> <p>Мактаб битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида 164 та туман (шаҳарлар) да касб-хунар таълими кенгашлари ташкил этилди.</p> <p>11 та худудда вилоят ҳокими бошчилигига, 98 та туман, шаҳарларда туман (шаҳар) ҳокимлари бошчилигига “Ҳоким ва битирувчилар” учрашувлари ўтказилди. Учрашувларда 139 834 нафар битирувчилар, 12 802 нафар ота-оналар иштирок этди.</p> <p>Ёшларда касбга бўлган қизиқиши орттириш ҳамда профессионал таълим муассасалари ҳақида тўлиқ маълумотлар бериб бориши бўйича бугунги кунга қадар республика бўйича 228 та “Очиқ эшиклар куни” тадбирлари ташкил этилди.</p> <p>Хорижий тажрибалар асосида “Касбга йўналтириш: муаммо ва ечимлар” умумтаълим мактаблари педагог ва психологиялари учун услубий қўлланма ҳамда умумтаълим мактаб битирувчилари учун “Ўзбекистон ва дунё бўйлаб ишга жойлашиш” номли қўлланма яратилди.</p> <p>Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сон Фармони ва ПК-241-сон қарорига асосан ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятларини аниқлаш, уларнинг келажакча муносаб касб эгаси бўлишларига кўмаклашиш ва ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш тизими белгиланди.</p>

T/p	Үстувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харожатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
							<p>Хусусан:</p> <p>Биринчидан, ўқувчилар турли касблар учун зарур бўлган кўникмалар, одатдаги мартаба траекториялари ва иш ҳақи даражалари, оммабоп касблар, касблар кластерлари, 126 тадан ортиқ касблар тўғрисидаги маълумотлар (профессиограмма) олиш имкони берувчи prof.maktab.uz онлайн платформаси ишга туширилди;</p> <p>Иккинчидан, 5-11-синф ўқувчиларининг касбларга бўлган қизиқишларини аниқлаш ҳамда уларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда касбларга йўналтириш бўйича 19 турдаги психологияк тестлар ҳамда 198 дан ортиқ касбларни камраб олган profnavigator.uz тизим ишга тушди;</p> <p>Учинчидан, ўқувчиларнинг касблар хақидаги тушунчаларини янада кенгайтириш мақсадида 9-11-синф ўқувчиларини ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва агротехнология йўналишидаги корхона ва ташкилотларга 33 839 та экскурсиялар ташкил этилди.</p> <p>Шунингдек, 62 та касблар бўйича республикадаги 10 130 та мактабларни “Ишга марҳамат” мономарказлари, қисқа муддатли курслар очилган таълим муассасалари, маҳалла аҳолисини касбга ўқитиш марказларига бириттирилди.</p> <p>Бириттириш натижасига кўра жами 1197 та муассасаларда касб-хунарга ўқитиши режалаштирилмоқда.</p> <p>2022-2023 ўкув йилидан бошлаб 10-синф ўқувчиларини касбга ўқитишини бошлаш бўйича жорий йил 15-19-август кунлари Республика бўйича ўкув семинарлар ташкил этилди.</p> <p>Бугунги кунда ўқувчиларни касбга ўқитиши бўйича туман (шаҳар) халқ таълими бўлими, бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда ҳокимликларнинг қўшма жадвали тасдиқланмоқда.</p>

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари	Масъул ижро чилар	Ижро ҳолати
2 (204)	Янги мактаблар қуриш, хусусий мактабларни кўпайтириш, таълим сифатини оширишни назарда тутивчи давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	<p>1. Мактабларни ривожлантириш бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Кўшимча 1,2 млн. ўқувчи ўрнини яратиш учун мактабларни реконструкция қилиш ва янгидан барпо этиш.</p> <p>Бунда:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) Мактабларни реконструкция қилиш ва янгидан барпо этиш орқали 2022 йилда 141 минг ўқувчи ўрнини яратиш. б) Мактабларни тўлиқ замонавий мебель, ускуналар билан жиҳозлаш. <p>3. Мактабларни муқобил энергиядан фойдаланган ҳолда электрлаштириш бўйича намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни боскичмабоскич жойларда жорий этиш дастурини ишлаб чиқиш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил сентябрь	Давлат бюджети маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари, ҳомийлар маблағлари, тадбиркорларнинг маблағлари, хорижий банк кредитлари	Халқ таълими вазирлиги (Б.Сайдов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Курилиш вазирлиги (Б.Зокиров)	<p>Бажарилди.</p> <p>1. Ўзбекистон Республикаси Президенти нинг 2022 йил 11 май “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ти ПФ-134-сон Фармоннинг 1-иловаси билан “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастур” тасдиқланди.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Президенти нинг 2022 йил 11 май “Халқ таълимини ривожлантиришга оид кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-241-сон қарори тасдиқланди.</p> <p>а) Мазкур қарорга мувофиқ 2022-2026 йилларда кўшимча 1,2 млн. ўқувчи ўрнини яратиш ҳамда 2022 йилда қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб бориладиган мактабларда кўшимча 141 мингдан зиёд ўқувчи ўрни яратиш белгиланди.</p> <p>Хусусан, 2022 йил давомида Инвестиция, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ва бошқа кўшимча дастурлар асосида 788 та обьектда қурилиш таъмирлаш ишлари бошланган.</p> <p>Йил якуни билан 141 минг янги ўқувчи ўрни яратилади.</p> <p>б) Инвестиция дастури асосида 141,0 млрд. сўм маблағ хисобига 304 та умумтаълим мактабларини тўлиқ замонавий мебель, ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган.</p> <p>Бугунги кунда мебель ва ускуналарининг техник топшириклар асосида нархлар ўрганилиб, тендер олди хужжатлар тайёрланди.</p> <p>Шу билан бирга, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида 262 та умумтаълим мактабларини жиҳозлаш ишлари Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маҳаллий бюджетлари ва</p>

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
							<p>уларнинг кўшимча манбалари хисобидан амалга оширилиши белгиланган (<i>Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 июндаги 94-сонли (ХДФУ) Раёсат мајслиси баёнига асосан</i>).</p> <p>3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими тизимини ислоҳ килиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 3 февралдаги Ф-22-сон Фармойишига мувофиқ, Қурилиш вазирлиги томонидан “Намунавий мактаб” лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган.</p> <p>“Намунавий мактаб” лойиҳаларида мактабларнинг ер майдони ва биноларидан самарали фойдаланиш, кўшимча биноларни барпо этиш орқали кувватларни ошириш, бино ва иншоотлари, синф хоналари, жиҳозлари (парта, доска, лаборатория жиҳозлари) фойдаланиш учун қулайлиги, қайта тикланувчи муқобил энергия манбалари қуёш панели ва иссиқ сув коллектори бўлиши назарда тутилади.</p> <p>Мазкур топшириқ ижроси юзасидан вазирликнинг “Намунавий мактаб” лойиҳалари ишлаб чиқишида қайта тикланувчи муқобил энергия манбалари қуёш панели ва иссиқ сув коллекторини билан жиҳозлаш бўйича таклифлар киритилган (16.02.2022 й., 05-05/2-170-сонли хати).</p> <p>Қурилиш вазирлиги томонидан 11 та “Намунавий мактаб” лойиҳалар тасдиқланди. (Қурилиш вазирлигининг 19.04.2022 й. 05-06/3919-сонли хати).</p>
3 (206)	Мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантириш.	1. 2022-2026 йилларда 217 та “Баркамол авлод” болалар мактабини ривожлантириш бўйича дастурни амалга ошириш. 2. Ёшларни санъат дунёсига ошино этиш, компьютер ва АКТ соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил сентябрь	Давлат бюджети маблаглари, махаллий бюджет маблаглари, ҳомийлар маблаглари,	Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) , Молия вазирлиги (Т.Ишметов) , Қурилиш вазирлиги Б.Зокиров	<p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор лойиҳалари ишлаб чиқилди. Қарор лойиҳасида:</p>

T/p	Үстүвөр йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
		зарур жихозлар билан таъминланган 100 мингдан ортиқ бепул тўғарак фаолиятини йўлга кўйиш.			адбиркорлармабл ағлари, хорижий банк кредитлари		<p>2022-2026 йилларда Халқ таълимида мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантириш бўйича 40 та банддан иборат дастур;</p> <p>2023-2025 йилларда 300 номдаги 3 млн. дона замонавий миллий ва жаҳон адабиётларини марказлашган ҳолда нашр этиш;</p> <p>2023-2026 йилларда 108,5 минг дона ўзбек миллий ва жаҳон адабиётларини қардош тилларга таржима килиш ва марказлашган ҳолда нашр этиш;</p> <p>маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан халқаро тадбирларда ғолиб бўлган тўғарак аъзоларини рафбатлантириш тизимини йўлга кўйиш;</p> <p>2023-2026 йилларда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 217 та мактабдан ташқари таълим муассасалари, 3,6 мингта умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналарини янгидан куриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг асосий параметрларини тасдиқлаш назарда тутилган.</p> <p>Қарор лойиҳаси вазирлик ва идоралар билан ўрнатилган тартибда келишилиб, 2022 йил 22 сентябрь 01-04/3-417-сон хат билан Вазирлар Махкамасига киритилди.</p> <p>Бажарилди.</p> <p>Умумтаълим мактаблари ва “Баркамол авлод” болалар мактабларида санъат, маданият, компьютер ва АҚТ йўналишларида 137 783 та тўғараклар ташкил этилди. Ушбу тўғаракаларга 2 млн. нафар ўқувчилар жалб этилган.</p>
(207)	Миллий ўқув дастурига асосан янги дарсликлар, машқ дафтарлари, ўқитувчи методика китоблари хамда мобил иловаларни яратиш ва етакчи халқаро нашриётлардан энг сара дарслик ва китобларни	1. Миллий ўқув дастурига асосан 2022 йилда 296 номдаги янги дарсликлар, машқ дафтарлари, ўқитувчи методика китоблари хамда мобил иловаларни яратиш. 2. Умумтаълим мактабларида	Китоб жамғармаси Васийлик Кенгаши баёнлари	2022 йил сентябрь	Давлат бюджети маблағлари	Халқ таълими вазирлиги (Б.Сайдов)	<p>Бажарилди.</p> <p>1. 2022-2023 ўқув юли учун Миллий ўқув дастурига асосан 296 номдаги янги дарсликлар, машқ дафтарлари, ўқитувчи методика китоблари яратилди.</p> <p>Шу жумладан 189 та дарслик, 50 машқ дафтари, 57 методик кўлланмалар</p>

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	белгиланган тартибда харид қилиш.	дарсликлар ва ўкув-методик мажмуаларни тажриба-синовдан ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида экспертизадан ўтказиш тизимини жорий этиш.					<p>ва дарсликларнинг мобил иловалари яратилди.</p> <p>Инглиз тили, немис тили ва рус тили фанларидан хорижий нашриётларнинг дарсликларини жорий этиш ишлари якунланди.</p> <p>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сон Фармонига асосан йил якунига кадар 10-сinf учун кўшимча 131 номдаги дарсликлири яратилди.</p> <p>2. 246 нафар маҳаллий ва ҳалқаро эксперtlар иштирокида 22 та умумтаълим фанларидан иборат Миллий ўкув дастури лойиҳаси яратилди.</p> <p>Миллий ўкув дастурини яратища 20 та зарур кўникмалар асос қилиб олинган (фаол фуқаролик ҳамда ватанпарварлик, танқидий-ижодий фикрлаш, ИТ ва медиасаводхонлик, молиявий саводхонлик, толерантлик ва миллатлараро тутувлик, гендер тенглиги).</p> <p>Замонавий ўкув дастурлар ҳамда дарсликларни яратища UNICEF ва USAID кўмагида Англия, Россия, Финландия, АҚШ, Жанубий Корея, Япония давлатларидан жами 16 нафар эксперtlар иштирок этишди.</p> <p>2021-2022-ўкув йилида яратилган дарслик, машқ дафтари ҳамда ўқитувчи учун методик қўлланмалар Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг 11 та тумани, 14 та таянч тажриба-синов мактабларида, 84 та экспериментатор ўқитувчilar ёрдамида тажриба-синовдан ўтказилди.</p> <p>Шунингдек, Китоб жамғармаси Васийлик кенгашининш 37-09-08/72-сон баёни қабул қилинди.</p>

T/p	Үстүвөр йүнәлишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари	Масъул ижро чилар	Ижро ҳолати
5 (208)	Миллий ўкув дастурида жорий қилинаётган янги методикалар бўйича ўқитувчиларни ўқитиш мақсадида Электрон малака ошириш платформаси учун 2022 йилда 67 та видеодарслар яратиш.	Миллий ўкув дастури бўйича янги методикаларга ўқитувчиларни ўқитиш мақсадида Электрон малака ошириш платформаси учун 2022 йилда 67 та видеодарслар яратиш.	Халқ таълими вазирининг буйрги	2022 йил 1 декабрь	Давлат бюджети маблағлари	Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов)	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>Миллий ўкув дастурида жорий қилинаётган янги методикалар асосида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизимини жорий этиш ва мазкур курсларни видеоконтентини яратиш бўйича ишчи гурухи шакллантирилди. Мазкур ишчи гурух томонидан ўкув дастури асосида видеодарслар яратиш ва “Узлуксиз касбий таълим” электрон платформасида видеодарсларни жойлаштириш вазифалари белгилаб олинди.</p> <p>Шунингдек, А.Авлоний номидаги илмий-тадқиқот институтининг “Узлуксиз касбий таълим” электрон платформасида Миллий ўкув дастури ва ушбу дастур асосида янги методикаларларни ўкув жараёнида кўллай олиш кўникмаларини шакллантириш бўйича барча фан йўналишлари учун курс контентларини жойлаштириш қисми яратилди.</p> <p>Айни вактда ушбу платформада “Оммабоб курслар” қисмига “Миллий ўкув дастури мазмун ва моҳиятини ўрганиш асослари” малакасини ошириш курси юзасидан 36 та ва Табиий фанлар (science) бўйича кисқа муддатли ўкув курслари учун 48 та, жами 84 та (125%) видеодарс жойлаштирилди.</p> <p>Бугунги кунгача Миллий ўкув дастури асосида янги методикаларни ўкув жараёнида кўллай олиш кўникмаларини шакллантириш бўйича яратилган курсни 9167 нафар ўқитувчilar ўзлаштирган, Табиий фанлар бўйича жами 64512 нафар ўқитувчilar рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 28951 нафар 3-синф ҳамда 24059 нафар 6-синф ўқитувчilari сертификат олган.</p> <p>“Узлуксиз касбий таълим” электрон платформасидан 341753 нафар ўқитувчи рўйхатдан ўтиб, 180579 нафар ўқитувчilar ушбу курсни муваффақиятли тутатди.</p>

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари	Масъул ижро чилар	Ижро ҳолати
6 (209)	Ўқитувчиларнинг ойлик маошини боскичма-боскич оширишга қаратилган аник кадамларни белгилаш.	Директор жамғармаси ҳамда турли устамаларни бериш тартибини халқаро тажрибадан келиб чиқиб таомиллаштирган ҳолда, халқаро стандартлар асосида адолатли ва шаффофтизимни йўлга кўйиш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти карори лойиҳаси	2022 йил сентябрь	Давлат бюджети маблағлари	Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У.Ташкенбаев)	<p>Бажарилди. Молия вазирлиги билан биргаликда халқ таълими тизимида ишлаётган ўқитувчи ва педагогларни лавозим маошларини оширишга қаратилган чоратадбирлар дастури ишлаб чиқиди. Бунда, умумий ўрта таълим тизимида таълим бериш ҳамда таълим соҳасининг рағбатлантириш борасида юкори натижаларга эришган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимизда жорий этиш, Халқ таълими тизими ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш бўйича Концепция ишлаб чиқиш белгиланди.</p> <p>Ушбу концепцияни ишлаб чиқиша таълим тизими ўзбекистон таълим тизими билан ўхшаликлари мавжуд, ахоли жон бошига ялпи ички маҳсулоти параметрлари яқин ҳамда ўқитувчиларнинг ойлик маошини, уларнинг иш ҳақига тўлов тизимини ислоҳ қилиш ва боскичма-боскич ошириш бўйича ислохотлар олиб борган Кирғизистон, Монголия, Индонезия ва Монголия каби мамлакатларнинг тажрибалари жорий йилнинг 26 апрелида Жаҳон Банкининг маҳаллий ва Нью-Йорк ваколатхоналарида фаолият юритувчи эксперtlари ва Молия вазирлиги ҳамкорлигida мухокама қилинди.</p> <p>Ушбу тажрибалардан келиб чиқиб, умумлаштирилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “2022-2026 йилларда Халқ таълими ривожлантириш бўйича миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-134-сонли Фармонининг 8 ва 9-бандларида топширикларда ўз аксини топди. Шунингдек, вазирлик томонидан топшириқ изкоси бўйича ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими тизими</p>

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
							педагог ходимларини моддий қўллаб-куvvатлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори лойиҳаси вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда 2022 йил 20 сентябрда 01-02/1-413-сонли хат билан “project.gov.uz” тизими орқали Вазирлар Махкамасига киритилди.
7 (210)	Мактаб ўқитувчиларини белгиланган халқаро стандартлар асосида билим ва кўнкималарга эга бўлишини таъминлаш.	<p>1. Мактабда фаолият олиб бориши учун хар бир фан бўйича маҳаллий ёки халқаро сертификация талабларини белгилаш.</p> <p>2. Тоифага эга бўлмаган мактаб ўқитувчиларини билим ва кўнкималарини диагностикадан ўtkазиш.</p> <p>3. Умумтаълим мактабларини, айниқса, чекка худудлардаги таълим масканларини олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлдириш ишларини давом этириш.</p> <p>4. Тошкент вилоятини мактаб таълими ислохотларининг намунасига айлантириш бўйича алоҳида дастурни амалга ошириш, бунда «Янги Ўзбекистон устозлари» дастурини хаётга жорий этиб, таълим сифати паст мактабларга бошқа худудлардан энг малакали ўқитувчиларни ишга жалб килиш.</p> <p>5. Таълим муассасаларида ўтказиладиган текширишларнинг шаффоғлиги ва очиқлигини таъминлаш, шу жумладан Интернетдаги маҳсус сайтни очиш.</p>	Амалий чора-тадбирла	2022 йил сентябрь	Давлат бюджети маблағлари	Халқ таълими вазирлиги (Б.Сайдов), Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У.Ташкенбаев), Давлат тест маркази (М.Каримов)	<p>Бажарилди.</p> <p>1. Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги “Миллий баҳолаш тизимига мувофиқ бўлиши лозим бўлган халқаро стандартлар, таълим соҳасида хизмат кўrsatuvchi ваколатли халқаро ташкилотлар, халқаро тан олинган ва миллий баҳолаш тизимида берилган сертификатлар (уларнинг комбинацияси) рўйхати ҳамда ҳар ойлик устама олиш учун уларнинг энг кам даражасини белгилаш тўғрисида”ти 34 к/к, 15-х-сонли кўшма қарори қабул қилинди.</p> <p>Мазкур қарорга мувофиқ:</p> <p>1-илова “Миллий баҳолаш тизими мувофиқ бўлиши лозим бўлган халқаро стандартлар рўйхати”;</p> <p>2-илова “Таълим соҳасида хизмат кўrsatuvchi ваколатли халқаро ташкилотлар рўйхати”;</p> <p>3-илова “Халқаро тан олинган ва миллий баҳолаш тизимида берилган сертификатлар (уларнинг комбинацияси) рўйхати” тасдиқланди.</p> <p>Шунингдек Халқ таълими вазирлигининг жорий йилнинг 12 августида сонли умумтаълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчиларига устамалар белгilaш тўғрисида 03-2/3-4195 кўrsatma билан худудий бўлимларга устама тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўланишини доимий таъминлаб бориш юзасидан топширик берилди.</p> <p>Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги</p>

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
							<p>хузуридаги А. Авлоний номидаги миллий тадқиқот институтида ҳалқ таълими тизимида фаолият юритаётган педагогларни касбий сертификациядан ўтказиш мақсадида математика, физика, химия, биология ва она тили (ўзбек тили) фанлари бўйича миллий сертификация тизимини жорий қилиш бўйича амалий ишлар олиб борилди.</p> <p>2. Ҳалқ таълими вазирлиги умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган малака тоифага эга бўлмаган ўқитувчиларни билим ва кўнікмаларини диагностикадан ўтказиш мақсадида “Узлуксиз касбий таълим” маҳсус электрон платформада 7 та компетенция асосида ўқитувчиларни билимини баҳолаш учун (барча фан) маҳсус тест материаллари тайёрланиб платформага жойлаштирилди.</p> <p>Платформа орқали, ҳалқ таълими тизимидағи малака тоифасига эга бўлмаган 148 220 нафар ўқитувчилар билим ва кўнікмалари диагностикадан ўтказилди.</p> <p>Хусусан: Қорақалпоғистон Республикасидан 13 454 нафар, Андижон вилоятидан 10540 нафар, Бухоро вилоятидан 5 860 нафар, Жиззах вилоятидан 7 006 нафар, Қашқадарё вилоятидан 19 032 нафар, Навоий вилоятидан 4 239 нафар, Наманган вилоятидан 8 781 нафар, Самарқанд вилоятидан 20 372 нафар, Сирдарё вилоятидан 2 742 нафар, Сурхондарё вилоятидан 14 793 нафар, Тошкент вилоятидан 12 554 нафар, Хоразм вилоятидан 5 446 нафар, Фарғона вилоятидан 15 073 нафар, Тошкент шаҳридан 8 328 нафар педагог.</p> <p>Натижада барча ўқитувчиларнинг билим кўнікмаларига мос равищада малака ошириш курслари тавсия этилди.</p> <p>3. Узок ва тоғли туманларда</p>

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харожатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
							<p>жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида педагог кадрларга бўлган бўлган эҳтиёж таҳлил этилди.</p> <p>Таҳлиллар асосида Иктиносидий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига узоқ ва тоғли туманларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасалари учун зарур педагог кадрларни мақсадли қабул қилиш юзасидан таклиф тақдим этилди (14.06.2022 й. 02-01/3-636-сон хати).</p> <p>Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича Давлат комиссиясининг 2022 йил 2 июлдаги 1-сон баёни ба-иловаси билан 2022/2023 ўкув йилида республика олий таълим муассасалари бакалавриатнинг кундузги таълим шакли бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларидан давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида ҳалқ таълими соҳасида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юкори бўлган ҳудудлар учун (818 нафар) мақсадли қабул параметрлари тасдиқланди.</p> <p>Натижада, бугунги кунга қадар умумтаълим мактабларига 1 326 нафар мутахассис кадрлар, шунингдек, бошқа ҳудудлардан, чекка ҳудудларга, юкори малакали 278 нафар педагог ходимлар жалб қилинди.</p> <p>4. 2021-2022 ўкув йилида Тошкент вилоятида таълим даражаси паст бўлган мактабларга 108 нафар малакали (олий ва биринчи тоифали) ўқитувчилар “Янги Ўзбекистон устозлари” дастури орқали юборилди.</p> <p>2022-2023 ўкув йили учун Ҳалқ таълими вазирлиги ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда даражаси юкори бўлмаган</p>

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
							<p>852 та мактаблар рўйхати тасдиқланди. Шундан Тошкент вилоятидан 121 та мактаблар ушбу рўйхатга киритилди.</p> <p>“Янги Ўзбекистон устозлари” ustozfondi.uz электрон дастури ишлаб чикилиб, унга Тошкент вилоятидаги 121 та таълим даражаси паст мактаблар тўғрисида 210 дан ортиқ вакант ўринлар маълумотлар киритилди.</p> <p>Шунингдек, 2022-2023 ўкув йилида бошқа худудлардан энг малакали ўқитувчиларни ишга жалб қилиш юзасидан Вазирликнинг хати Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасига юборилди (28.02.2022 й. 02-02/2-282-сон).</p> <p>Натижада, вилоятдаги таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш истагини билдирган 364 нафар ўқитувчи педагоглар электрон платформа орқали 15 майдан – 1 июлга қадар рўйхатдан ўтди.</p> <p>Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш истагини билдирган ўқитувчи-педагогларни саралаш бўйича ишчи гурӯх тузилди.</p> <p>Ўтказилган танлов ва сұхбатлар натижасида 192 нафар педагог ходимлардан, энг юқори натижага кўрсатган 70 нафари ишчи гурӯх томонидан танлаб олиниб, ишга қабул қилинди.</p> <p>5. Вазирликнинг Назорат-хукуқий хизмати томонидан тизим ташкилотларида 2020 ва 2021 йилларда маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда назорат органлари томонидан амалга оширилган текширувлар таҳлил қилинди.</p> <p>Хусусан, ҳокимият тизими томонидан 3911 та, адлия органлари 1883 та, солиқ инспекциялари 526 та, соғлиқни сақлаш вазирлигининг худудий бўлимлари 1028 та, мудофаа ишлари бўлимлари томонидан 635 маротаба ва шу каби бир қатор</p>

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
							<p>текширишлар ўтказилгани аникланди.</p> <p>Таҳлил натижаларига кўра Вазирлар Маҳкамасига 2022 йил 24 март 03-01/5-1540-сонли хат билан режали текширишларга ваколатли ташкилотларнинг худудий бўлинмалари томонидан ҳар йилнинг 15 декабрь санасига қадар текшириш режаларини тасдиқлаш ва келгуси йил иш режасига киритиш тўғрисидаги таклифлар юборилди.</p> <p>Умумтаълим мактабларида текширувларни шаффоғлиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида вазирликнинг расмий веб-сайти uzedu.uz да Умумтаълим ташкилотлари фаолиятини текшириш бўлими яратилди.</p> <p>https://uzedu.uz/y3/page/qaror-va-ijro</p>
8 (211)	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тажриба-синов тариқасида бошланғич синф (1-4-синф) ўқувчиларини белуп овқат билан таъминлаш тизимини жорий этиш.	1. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тажриба-синов тариқасида бошланғич синф (1-4-синф) ўқувчиларини белуп овқат билан таъминлаш тизимини жорий этиш. 2. Мактаблардаги мавжуд ошхоналарини хатловдан ўтказиб, уларни таъмирлаш ва жихозлаш бўйича таклифлар тайёрлаш.	Норматив-хуқукий хужжат лойиҳаси	2022 йил март	Махаллий бюджет маблағлари	Халқ таълими вазирлиги (Б.Сайдов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Хоразм вилояти ҳокими	<p>Бажарилди.</p> <p>1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 февралдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида бошланғич синф ўқувчиларини белуп овқат билан таъминлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 67-сонли қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тажриба-синов тариқасида бошланғич синф (1-4-синф) ўқувчиларини 2021/2022 ўқув йилига қадар белуп овқат билан таъминланди.</p> <p>Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида – 139 374 нафар (726 та мактаб), Хоразмда – 134 315 нафар (549 та мактаб) ўқувчилар белуп овқатланиши ташкил этилди.</p> <p>Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида соглом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сон қарори тасдиқланди (25.08.2022 й.).</p> <p>Қарор билан юкоридаги худудлардаги мактабларда соглом овқатлантириш</p>

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
							<p>тизимини кейтеринг усулида ташкил этишга оид низом тасдиқланди.</p> <p>Низомда кейтеринг усулида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар танловини ўтказиш, хисоб-китоб қилиш, таомлар устидан назорат қилиш тартиби белгиланган.</p> <p>Хусусан, ўқувчилар мактабда бир кунда бир маҳал овқатлантирилади.</p> <p>Овқатларни назорат қилиш учун мактабларда 5 кишилик (директор, ҳамшира ва ота-оналар вакиллари) маҳсус комиссия тузилади. Кундалик таомноманинг рўйхати “kundalik.com” платформаси орқали юритилади.</p> <p>2. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларидағи умумтаълим мактабларидаги ошхоналари хатловдан ўтказилди.</p> <p>Хатлов натижаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикасида 186 та, Хоразм вилоятида 103 та ошхона таъмирталаб ҳолатдалиги аниқланган.</p>
9 (221)	<p>Глобал инновацион индексда қайд этилган паст индикаторлар бўйича Ўзбекистон позициясини яхшилаш, бунда келгуси йилларда мавжуд 81 та индикаторнинг 15 та -ўзгартмаган, 19 та -пасайган, 13 та -маълумот тақдим этилмаган кўрсаткичлар бўйича ижобий натижаларни қайд этиш чораларини кўриш.</p> <p>“Илм-фанга асосланган соҳаларда бандлик” ва “Олий маълумотли аёлларнинг бандлиги” индикаторлари бўйича миллий сўровномаларни Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда таомиллаштириш “Компьютер дастурий</p>	<p>Глобал инновацион индексда қайд этилган паст индикаторлар бўйича ижобий натижаларга эришиш чораларини кўриш, шу жумладан:</p> <p>рейтингнинг “Ўқувчининг таълим олиши учун давлат харажатлари, ўрта таълим” индикатори доирасида 2017-2021 йиллар бўйича маълумотларни UNESCO статистика институтининг йиллик сўровномаларига асосан тақдим этишини тъминлаш.</p> <p>“Илм-фанга асосланган соҳаларда бандлик” ва “Олий маълумотли аёлларнинг бандлиги” индикаторлари бўйича миллий сўровномаларни Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда таомиллаштириш “Компьютер дастурий</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2022 йил февраль</p> <p>2022 йил март</p> <p>2022 йил</p>	-	<p>Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Давлат статистика кўмитаси (Б.Бегалов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов), Ахборот технологиялари ва коммуникациялари ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов)</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат Статистика кўмитаси билан биргаликда Юнеско статистика институтининг йиллик сўровномалари асосида маълумотлар шакллантирилди.</p> <p>Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 25 февралдаги 04-04/1-144-сонли хати билан шакллантирилган маълумотлар Юнеско статистика институтига тақдим этилиши учун Давлат статистика кўмитасига юборилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 28 февралдаги 01/1-06-12/3-43-сонли хати билан маълумотлар Юнеско статистика институтига тақдим этилди.</p> <p>Халқ таълими вазирлигининг Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига 2022 йил 21 февралдаги 02-04/1-223-сон хати ҳамда Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш</p>

T/p	Үстүвөр йүналишлар, маңсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари	Масъул ижро чилилар	Ижро ҳолати
		тәьминотига харажатлар” индикатор қўрсаткичи бўйича ИХС Маркит ташкилотига талаб этилган маълумотларни тақдим этиш.		март			вазирлигига 2022 йил 21 февралдаги 02-04/1-224-сон хатлари орқали тегишли маълумотлар тақдим этилди.